

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил июнь ойининг - куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Қўқон шаҳар судинингочик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Қ.А., судья ёрдамчиси Ф.А.нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қ. шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Р., судланувчи Г.Инакова ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Э. ва У.У.нинг иштирокида И.Г.И.га оид 0-000-0000/000-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

И.Г.И. (I G I), 1971 йил 24 майда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, уй бекаси, муқаддам:

- жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судининг 2020 йил - июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Д туман судининг 2021 йил - февралдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 4 ой 17 кун жазоси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Данғара тумани, Рахматилло М.Ф.Й., Я Г кўчаси, -уй, -хонадонда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2021 йил - апрель кунидан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 15 май кuni олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 4-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида мавжуд далилларни текшириб, тарафларнинг музокара сўзларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.Г.И. хавфли рецидивист бўлгани ҳолда таниши С.З ни яшаш хонадонида 2020 йил 15 декабрь кuni соат 20:45 ларда ғаразли ва бошқа паст ниятларда Қ шаҳар Т кўчаси 5-уй 17-хонадонда яшовчи З.С.ни яшаш уйида фуқаро Б, А ва С.ларни жинсий алоқа қилишлари учун 450.000 сўм миқдоридаги пуллар эвазига жой ва шароит яратиб бериб, қўшмачилик қилганлиги аниқланиб, Қ шаҳар ИИО ФМБ ходимлари томонидан ушланган ва ундан 450.000 сўм пуллар холислар иштирокида далилий ашё тариқасида олинган.

Суд шунингдек ашёвий далил- 450.000 ўзбек сўмини Қ шаҳар ТЭҚКБ тезкор вакили Х.Қ.га қайтарилганлигини эътиборга олишни, ашёвий далил- 1 дона дискни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 467-468, 471-473- моддаларига амал қилиб, суд



ҲУКМ ҚИЛДИ:

И.Г.И. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 4-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

И.Г.И. га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 4-қисми “б” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

И.Г.И. илгариги ҳукм бўйича муддатидан олдин шартли озод қилинган 4 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилиги бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61,60-моддаларига асосан тайинланган жазога қисман қўшиб, ҳукмлар жами тариқасида узил-кесил 2 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ 2021 йил 22 апрелдан бошлаб ҳисоблансин.

Ашёвий далил- 1 дона диск жиноят ишида сақлансин.

И.Г.И.га қўлланган қамоққа олиш эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Қ.А.

